

## ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК НАСРИДА БАДИЙ ДЕТАЛ МАСАЛАСИ

Фазилат Мұхаммадиева,

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш

вазирлигининг “Илм-фан ва инновацион ривожланиш” журнали мұҳаррири

E-mail: murodzoda.87@mail.ru

Бугунги ўзбек насри ҳар жиҳатдан янгиланишлар ва турли услугий изланишлар устида иш олиб бормоқдаки, бунинг натижаси ўлароқ, ўзбек адабиёти янги-янги ижод намуналари, адабиётимиз ривожига хизмат қиласынан дурдоңа асарлар билан бойимоқда. Хусусан, Назар Эшонқул ижоди, жумладан, қисса ва ҳикоялари ана шу изланишлар самараси ўлароқ, адабиёттега янгича рух, янгича бадиий талқин усулини олиб кирди, деб бемалол айтиш мүмкін. Ёзувчи ўз асарларида қаҳрамонлар ички дүнёси, рухиятини очишга алоҳида эътибор қаратадики, бу адіб услубини, индивидуаллигини белгилапша ғоят мұхым ва салмоқли роль ўйнайды. Бир сўз билан айтганда, рухият тасвири Назар Эшонқул ижодининг асосини ташкил қиласи.

Адіб қисса ва ҳикояларида рухият тасвири ҳақида гапириш, бу, аввало, улардаги рухиятта ишора қилувчи деталлар ҳақида, шундай деталлардан фойдаланиш маҳорати түғрисида фикрлап демакдир. Шу ўринда ёзувчи ижодига тўхталишдан олдин адабиётдаги бадиий детал атамасига қисқача таъриф бериб ўтсак.

**Бадиий деталлар ҳаётни типиклаштиришда**, уни бадиий ифодалашда, қаҳрамонлар характерининг у ёки бу қиррасини очишда, асар ғоясини ифодалашда мұхим роль ўйнайды. Детал – лўнда, ёрқин ва образли предмет, белги бўлиб, у тасвир обьектини китобхонга аниқ кўрсатишга хизмат қиласи.

Детал бадиий асар композициясида ўз ўрнини топғандагина вазифасини бажара олади. У ёзувчини кўп сўзликдан қайтаради, ортиқча ифода усулларидан сақлайди.

Бадиий асарда ранг-баранг деталлар ишлатилади: предмет детали, ҳолат детали, шароит детали, нутқий детал каби. Вильям Шекспирнинг “Отелло” трагедиясидаги рўмолча, Абдулла Қаҳҳорнинг “Анор” ҳикоясидаги анор каби деталлар предмет деталларга мисол бўла олади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мүмкін.

Китоб бўлиб дунёга келган асар борки, деталлар асосига курилган. Бадиий детал масаласи, айниқса, жаҳон адабиётида салмоқли ўрин тутади. Биргина Антон Чехов асарларини бунга мисол қилиш мүмкін.

Инсон образини чизиш, қаҳрамон ва персонажлар характерини яратиш, уларнинг мураккаб ички дунёсини кўрсатишда бадиий деталнинг ўрни бекиёс. Чунончи, бу жиҳат Назар Эшонқул асарларида тасвирланган шароит, предмет, ҳолат деталларида аниқ намоён бўлади. Масалан, ёзувчининг “Тун панжаралари” қиссасида ҳолат-вазиятнинг деталларда бадиий далилланган ифодаси ҳаётда омадсиз, кўнглида безовталик кайфияти ҳукмрон, адоксиз ўйлар қуршовида қолган қаҳрамон рухиятини тўла намоён қиласи. “... Бир кун унга “Тун эртаклари” деган туркум ҳикояларимнинг бирини ўқиб бергандим. Ҳикояда деярли ҳеч нарса йўқ. У қандайдир ташландиқ уй ва бир парча осмон кўриниб турган дераза ҳақида эди. Уй эски, хароба, ичини ўт-ўлан босган зах ва бадбўй ҳид тутиб

кетганди...”<sup>1</sup> Ушбу парчадаги эски, хароба, ичини ўт-ўлан босган, бир парча осмон кўриниб турган уй қаҳрамон руҳиятини очувчи деталлардир. Бу элементларсиз асар ғоясини ҳам, қаҳрамон ҳолатини ҳам англаш қийин.

Ёзувчининг “Қора китоб” қиссасида ҳам шу хилдаги деталлар учрайди. Қисса қаҳрамони бир ўринда чўққи-соқолнинг ҳовлисига борганини, ҳовли нақ юз йилдан бери йифиширилмагандай тўзиб ётганини, ҳовлидан қўланса – сасиган гўштнинг ҳидига ўхшаш ҳид келишини айтади. Бу деталлар гўё шароитни тасвирлаш учун келтирилганга ўхшайди. Аммо эътибор берилса, улар қаҳрамон ҳолатини, руҳиятини очища ғоят муҳим роль ўйнаган.

Ёзувчи қиссада шароит деталларини қўллашда уларнинг эмоционал-таъсир кучига эътибор қаратиб, маълум бир тартиб билан келтирадики, бундай тавсир галдаги деталнинг эмоционал жиҳатдан аввалгисидан кўра кучлироқ чиқишини таъминлаган. Қулаган девор, зўрға кўзга ташланадиган андак ваҳмли хароба уй, пештахтаси чириб қулаб тушган эшик, ярим нураган ҳужра ва ердаги хира шам деталларининг бундан олдинги шароит деталларига нисбатан таъсир қучи юқори. Бу каби деталлар воситасида ёзувчи қаҳрамон ички дунёсига “дарча” очади.

Бундай шароит, вазият, ҳолат тасвири ёзувчининг нисбатан аввалроқ ёзган “Маймун етаклаган одам” ҳикоясида ҳам учратиш мумкин: “... Чолнинг совуқ юзини эсладим”<sup>у</sup>, истиҳола қилдим, бироқ йўқ дея олмадим. Эски услубда қурилган, тор табақали эшикдан ичкарига кирдим: чол катта айвонда ... ўтирганча олдида ... Чолнинг уйи ҳашаматли, кенг, лекин тошлар тилган майдондай ҳувиллаб ётарди. Устун ва ромлари чириган, умуман, ҳовлидан чиркин ва бадбўй ҳид келарди. Чиркин ҳид дараҳтлардан, қор остида қолиб қаровсизликдан хазонликка юз тутган гулзордан, уйнинг ёғочларидан ва айвонда қалашиб ўтган ҳар хил расмлар уюмидан келаётган эди. Шалтоқ ҳид эса ахлат солинадиган ундуқадан келарди. Хаёлимга бирдан бу ундуқадаги ахлатларни чол умр бўйи сақлаб келган бўлса керак, деган фикр келиб қолди”<sup>2</sup>.

Айниқса, “бадбўй ҳид”, “чиркин ҳид” каби сўз бирикмалари Назар Эшонқул асарларида кўп қўлланиладики, буни ёзувчининг “Зулмат салтанатига саёҳат” ҳикоясидаги ушбу парча мисолида ҳам кўриш мумкин. “... М. Тамаки ва яна қандайдир қўланса ҳидлар ўрнашиб қолган тўшакда ўрнашиб ётарди; тинмай тамаки тутатар ва пўк-пўк йўталарди. Хонаси ҳам худди ҳаёти каби пала-партиш эди. Мен тозаланмаган столни, исқирт тўшакни, деразадан кўра туйнуки эслатадиган ромларни, ўқилмаганига ҳам аллазамонлар бўлган чанг босган китобларни кўздан кечирар эканман, ҳар бир одам ўзига муносиб бошпана танлайди, деб ўйладим”<sup>3</sup>.

Умуман, адабнинг кўпгина қаҳрамонлари турмушининг сароб эканлигини англаган, тушкунлик ботқоғига ботган, руҳий изтироблар исканжасида қолган инсонлардир. Шу боисдан уларни тушунишда, ўй-кечинмаларини ҳис қилишда шароит деталлари қўл келади.

Бундан ташқари, адаб ижодида предмет деталларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Масалан, ёзувчининг “Қора китоб” қиссасида қўлланилган қатор предмет деталлари асар қаҳрамони

<sup>1</sup> [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

<sup>2</sup> [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

<sup>3</sup> [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.

руҳиятини очишда катта роль ўйнаган ва бунинг аниқ ифодаси катта ўғил яратган мусиқада кўринади: “... Ҳозир Бетховеннинг машҳур мусиқасини эшитасизлар, деди. Тасмадан пақ-пук “гумбурлаш”, ўқ овозлари, яланғоч елкага тушаётгандай қамчининг шарал этган товуши эшитиларди...”<sup>4</sup>. Ушбу мусиқа детали асар қаҳрамони ўзининг адашганини, алданганини сезиб қолгандаги ҳолатига ишора қиласи ва предмет детали сифатида асарда салмоқли вазифани бажаради. Қиссадаги бу каби деталларни асар сюжети, композициясига ўринли киритилган бадиий воситалар, деб баҳолаш мумкин.

Жўмладан, қиссадаги “сурат” детали ҳам қаҳрамоннинг кучли руҳиятини ифодаловчи ёрқин мисолдир. Суратнинг “Исён” деб номланишининг ўзи ҳам ўзини англашга, ўзининг кимлигини билишга интилаётган инсон ички дунёсининг, изтиробларининг қай ҳолатдалигини англатади. Асарда қаҳрамон “Қора муқовали дафтар” ҳақида гапиради. Бу предмет детали ўз ҳаётидан мазмун топмаган, умри йўқотиш ва алданишлар ичида ўтган қаҳрамон руҳиятига, изтиробларига ишора қиласи.

“Муолажа” ҳикоясидаги болта, хивчин, қамчин каби деталлар ҳам қаҳрамон руҳиятини очувчи калит вазифасини бажарган. Предмет деталларини ёзувчининг бошқа қатор ҳикоя ва қиссаларида кўплаб учратиш мумкин.

Мухтасар қилиб айтганда, Назар Эшонқул бадиий деталнинг катта имкониятларга эга эканлигини ўз асарларида кўрсата олган. Улардан асар ғоясини китобхонларга етказишда унумли фойдаланган. Бу эса ёзувчи асарларининг салмоғини белгилашда катта роль ўйнаган. Шунинг учун ёзувчи ҳар бир асарида деталлаштирилган тасвирга жиддий эътибор қаратади. Шароит, предмет, ҳолат деталлари воситасида ўз қаҳрамонларининг руҳиятини ишонарли тасвирлайди.

Адабиёт яшар экан, ижодкорлар бадиий детал имкониятларидан фойдаланаверади. Гояси пишиқ, қурилиши мустаҳкам асарлар эса қўлма-қўл бўлаверади.

<sup>4</sup> [www.ziyouz.com](http://www.ziyouz.com) kutubxonasi.